

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 86 (1685), 2026 йил 1 май, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news

## ЎЗБЕКИСТОН — ЧЕХИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИККА АСОС ЯРАТАДИ

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш 29-30 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Ташрифнинг иккинчи кунини Кўксарой қароргоҳида олий мартабали меҳмоннинг расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишни самимий қутлаб, уни шоҳсулага таклиф қилди. Ҳарбий оркестр ижросида икки давлат мадҳиялари янгради. Етақимий делегация қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутлади.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Андрей Бабишнинг тор доирада ва икки мамлакат делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик чуқур тарихий илдизларга эга. Замонавий дипломатик муносабатлар ўрнатилганига ҳам 30 йилдан ошяпти. Шундай бўлса-да, ўзаро ҳамкорлик кейинги йилларга келибгина барқорор ривожланмоқда. Буни кейинги саккиз йилда давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамми икки баробар ошгани ҳам тасдиқлайди.

Бундан ташқари, барча соҳаларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Хукуматлар, вазирликлар ва идоралар даражасида яқин алоқалар ўрнатилган, ишбилармонлик ва гуманитар алмашинувлар фаоллашди. Парламентларда “Дўстлик гуруҳлари” ташкил этилган. Хукуматлараро комиссия самарали ишламоқда. Мамлакатимизда Чехия капитали иштирокида қирққа яқин қўшма корхона самарали фаолият юритмоқда. Бир қатор янги кооперация йўналишлари бўйича иш олиб борилмоқда.

Музокараларда Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси ушбу ташриф Ўзбекистон — Чехия муносабатлари тарихида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беришини алоҳида таъкидлади. Zero, ташриф доирасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган муҳим келишувларга эришилди.

Бу, айниқса, дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган ўзаро қарама-қаршиликлар, транспорт-логистика тизимидаги узилшлар билан боғлиқ бугунги мураккаб шароитда ҳар икки давлат учун манфаатлидир. Бинобарин, ҳар икки томонда бир-бирини тўлдирувчи фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Биргина мисол, юртимизнинг бой инсон капитали ёки йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётган “яшил” энергетикасига Чехияда эҳтиёж бор. Қолаверса, Чехия Ўзбекистон учун Европа Иттифоқи бозорига, ўз навбатида, мамлакатимиз Чехия учун Марказий Осиё бозорига йўл очади.

Шу боис, музокараларда ўзаро савдо ҳаммини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Товар айирбошлашни, жумладан, маҳсулот турларини кенгайтириш орқали 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун биргаликдаги савдонини рағбатлантириш мақсадида Чехияда Ўзбекистоннинг биринчи сертификатлаш филиали ташкил этилмоқда. Чехиялик ҳамкорлар билан “Евро-6” стандартидаги автомобилларни сертификатлаш ва квант эталони бўйича замонавий лаборатория қурилмоқда.

Чехиянинг етакчи компаниялари билан машинасозлик, “яшил” энергия, геология ва муҳим хомашё, кимё, фармацевтика ҳамда бошқа соҳаларда лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олган Технологик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришилгани ҳам ташриф ютуқларидан бири бўлди.

Шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш ва “ақлли” шаҳарлар яратиш, муҳандислик иши ва рақамлаштириш соҳаларида кооперация учун мавжуд истиқболлар қайд этилди. Хусусан, расмий ташрифнинг биринчи кунини ўтказилган Ўзбекистон — Чехия бизнес форумида эълон қилинган лойиҳавий ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Томонлар Экспорт кредитларини сугурталаш агентлиги ва Чехия Экспорт банкининг Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ниятини олқилди.

Иқтисодий кун тартибидидаги барча масалаларни илгари суриш учун Ишбилармонлар кенгаши тузиш ва хукуматлараро комиссиянинг кейинги йилги ишларини шу йил август ойида Тошкентда ўтказиш таклиф қилинди.

Маданий-гуманитар соҳада, шу жумладан, қўшма диплом дастурлари доирасида таълим ва академик алмашинувларни кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди.

Ўзаро маданият ва кино кунлари, кўргазма ва концертларни мунтазам равишда ўтказиш, шунингдек, мамлакатлар ўртасида сайёҳлар оқимини кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди. Шу мақсадда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида тўғридан тўғри авиарейсни қайта тиклаш масаласи кўриб чиқилди.

Тартибли меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Яқунда қабул қилинган қарорларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш Кенгайтирилган ҳамкорликни илгари суриш тўғрисида қўшма декларацияни имзолادилар.

Шунингдек, иқтисодиёт, саноят, илмий ва технологик ҳамкорлик, дипломатик кадрларни тайёрлаш, метрология лабораториясини биргаликда лойиҳалаштириш ва ташкил этишни қўллаб-қувватлаш, метрология соҳасидаги илмий-инновацион ҳамкорлик, геология соҳасидаги лойиҳавий электрорездаларни етказиб бериш тўғрисидаги ва бошқа икки томонлама келишувларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш Фахрий меҳмонлар хиёбонида биргаликда даҳлат эқдидар.

Маросим икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашув мустаҳкамлаб бораётгани, Ўзбекистон — Чехия кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришда янги босқич бошланганини раъс қилди.

Гап Ўзбекистон — Чехия ҳамкорлиги ҳақида борар экан, ўзаро муносабатлар нафақат давлатлараро, балки Марказий Осиё — Европа Иттифоқи форматида минтақалараро ҳам жадал ривожланиши алоҳида таъкидланди. Кейинги йилларда минтақаларо товар айирбошлаш ҳамми тўрт баробар ошган бўлса, ўтган йили Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир самарали келишувларга эришилган.

Умуман, буларнинг барчаси — янги Ўзбекистоннинг дунёга очилгани, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, узоқни кўзлаб амалга оширган ишловлари ҳисобига дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан тенг ҳуқуқли дипломатик алоқалар янги босқичга олиб чиқилгани самарасидир.

Шу билан Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ВА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни табиатни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий этиш ва экологик маданиятни юксалтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, саноят, қурилиш, транспорт ва коммунал соҳалардаги жадал ривожланиш табиатга таъсир этувчи омилларни қатъий назорат қилишни, экологик талабларга риоя этишни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Тақдиротда экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳолати таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, 2024 йилда 47 мингдан зиёд маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган бўлса, 2025 йилда улар сони 59 мингдан ошган. Амалдаги тартибда жарималар миқдори етказилган экологик зарарга мутаносиб эмаслиги сабабли баъзи корхоналар учун ҳуқуқбузарликни бартараф этишдан кўра,

жарима тўлаб, фаолиятни давом эттириш кулайроқ бўлиб қолмоқда.

Шу боис, юридик шахсларга нисбатан молиявий санкцияларни қайта кўриб чиқиш, уларни табиатга етказилган зарар миқдорига боғлаш ва халқаро амалиётга яқинлаштириш таклиф этилди. Жумладан, дарё ўзанларидан норузда материалларни ноқонуний қазиб олиш, сув ресурсларини ифлослантириш, дархат ва буталарни гайриқонуний кесиб, атмосфера ҳавосига белгиланган меъёрдан орттиқ ташламалар чиқариш, қурилиш майдонларида чанг ва кум зарраларининг ҳавога кўтарилишига йўл қўйиш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларда ёқиш каби ҳолатлар учун таъсирчан молиявий чоралар жорий этиш кўзда тутилган.

Бу жараёнда маъмурий жарима ва табиатга етказилган зарар учун компенсация тўловини ягона молиявий санкцияга биравлаштириб, корхона айбини тан олган ҳолатларда уни Экология ва иқлим ўзгариши

миллий қўмитаси томонидан қўллаб, низоли ҳолатларда эса масалани суд тартибиде кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини жорий қилиш таклиф этилди.

Тақдиротда Угом дарёсининг табиий мувозанатини тиклаш ва унинг ноёб табиий меросини сақлаш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Угом дарёси ва унинг ҳавзаси Угом — Чотқол миллий табиат боғи таркибидеги муҳим экологик ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ўнлаб ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турлари, шу жумладан, Қизил китобга киритилган турлар мавжуд. Дарё Чирчиқ ҳавзасининг сув таъминотида ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Таҳлилларга кўра, кейинги йилларда Угом дарёсиде сув сарфи камайиб, сув сифати таъсир этувчи омиллар кўпайган. Бу ҳолат қирғоқларнинг емирилиши, фауна ва ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатиши, биохимла-хиллик қисқариши хавфини оширмоқда.

Шу боис, Угом дарёси ва унга туташ ҳудудларни давлат гидрологик табиат ёдгорлиги деб эълон қилиш, соҳилбўйи ва сувни муҳофаза қилиш зоналарида табиий гидрологик тизимга таъсир кўрсатувчи қурилиш ва ер ишларини чеклаш таклиф этилди. Шунингдек, сув муҳофаза зоналаридаги объектларни хатловдан ўтказиш, уларнинг сув сифати ва биофаунага таъсирини баҳолаш вазифалари белгиланди. Экологик талабларга жавоб бермайдиган фаолиятларни тўхтатиш ёки бошқа жойга кўчириш масаласи кўриб чиқилди.

Қолаверса, дарёнинг гидрологик ва экологик ҳолатини барқорор ривожлантириш бўйича “Угом дарёси экотизимини яхшилаш” мастер режасини ишлаб чиқиш, соҳилбўйи ва муҳофаза зоналарида ер деградациясининг олдини олиш учун дархат ва буталар экиш кўзда тутилган.

▶ Давоми 2-бетда

## АНДРЕЙ БАБИШ: “ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАНИ, БОЙ РЕСУРСЛАРИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ИНСОНЛАРИ САЛОҲИЯТИДАН ҲАЙРАТДАМАН”

Чехия Бош вазири Андрей Бабиш Ўзбекистондан кетиш арафасида “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида “Дунё” АА муҳбирига эксклюзив интервью берди.

“Президентингиз делегациямизни самимий қабул қилганидан жуда мамнунман, бизни жуда илиқ кутиб олишди”, — деди Чехия ҳукумати раҳбари. — “Ўзбекистоннинг ҳар томонлама жадал ривожланиб бораётгани, ресурсларга бойлиги, бу ерда истеъдодли инсонлар кўплиги, айниқса, ёшларнинг салоҳияти менда катта таассурот қолдирди.

Ислоом цивилизацияси марказини ҳам бориб кўрдик. Германияда ишлаш учун 400 нафар ўзбекистонлик ҳамшира немис тилини ўрганаётган мактабда ҳам бўлдим. Бу биз учун жуда қизиқарли. Президентингиз ташаббуси билан Чехиянинг SKODA Transportation компаниясини билан 10 та поезд бўйича биринчи шартномани имзолашга муваффақ бўлдик. Ишончим комилки, бу ҳали бошлангани. Албатта, компанияларимиз қўшма корхоналар ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашдан жуда манфаатдор.

Мен 2019 йилда Бош вазир сифатида биринчи мундтагимда бу ерда бўлмаганимдан чиндан ҳам афсусдаман. Чунки кейинги икки йил COVID сабабли анча вақт йўқотдик. Аммо ҳозир биз олдинга ҳаракат қилишга тайёримиз. Президентингиздан ҳамкорлигимизнинг барча йўналишлари акс этган жуда яхши китоб олдик.

Яна бир бор таъкидлайман, бу ерда эканимдан жуда хурсандман. Ўзбекистон аjoyиб инсонлар яшайдиган гўзал мамлакат. Мен учун бу ташриф жуда муваффақиятли бўлди.

Мамлакатда иқтисодий ўсиш юқори суръатда. Давлат қарзи паст ва захиралар катта. Сизлар олтин ва қумуш экспорт қиласизлар, катта мис захираларига ҳам эгасизлар. Хомашё экспортига йўл қўймаслик жуда тўғри стратегия. Хомашёга солиқ жорий этилгани компанияларни уни қўшимча қийматли тайёр маҳсулотга айлантиришга ундашини билиб олдим”.

Чехия ҳукумати раҳбари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган музокараларда кўтарилган халқаро мавзуларга тўхталар экан, Ўзбекистон Президентининг “Биз ҳозир дунёда содир бўлаётган барча урушларни тўхтатишимиз керак. Одамлар тинч-тотув яшаши керак”, деган фикрига тўлиқ қўшилишини алоҳида таъкидлади.

“Президентингиз аjoyиб етакчи ва мен бундай давлат раҳбари билан самарали мулоқот қилганидан жуда хурсандман”, — дея хулоса қилди Чехия Бош вазири.

“Дунё” АА

## ЎЗ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИ АНГЛАГАН ЖАМИЯТ МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШАДИ

Президентимизнинг шу йил 27-28 апрель кунлари Фарғона вилоятига ташрифи халқимизнинг узоқ кутилган орзумидларини рўёбга чиқариш, янгиланишлар остонасига қадам қўйишига пухта замин яратди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган йилги ишларда, аввало, кейинги йилларда

ҳудуд иқтисодиётида рўй берган ўзгаришларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

▶ Давоми 2-бетда



“Тамаддун тафаккури”нинг бугунги саҳифаларида Тошкентда қад ростлаган дунёнинг саккизинчи мўъжизаси, Учинчи Ренессанс пойдевори — Ислоом цивилизацияси маркази ҳақида ўқиб, жаҳоннинг нуфузли матбуот нашрларида эълон қилинган эътирофлар билан танишасиз. Марказ жойлашган майдон — Хастимомнинг фусункор оқшомини томоша қялаётган ташриф буюрувчиларнинг ҳайратига қулоқ солиб, XIV аснинг олтин сири ҳисобланган бир экспонат тарихдан боҳабар бўласиз.

▶ 3





# ТАМАДДУН

## тафаккур

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, беруний ва улугбеклар, фарғоний ва ибн синоплар, бухорий ва термизийлар етишиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлиши керак. Бу – барчамизнинг эзгу ниятимиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



## ИККИ РЕНЕССАНС ГУВОҲИ ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

ёхуд дунёнинг Тошкентда қад ростлаган саккизинчи мўъжизаси ҳақида

### Минбар



Ислом ҚАМРО,  
журналист

Дунёнинг етти мўъжизасини зукко ўқувчиларимиз яхши билади. Шунинг учун уларни бирма-бир санаб ўтиришдан тийилмади. Ана шу етти мўъжизанинг бири — Тожмаҳал бизнинг миллатдош боболаримиз томонидан бунёд этилган ҳам ҳар биримизга фахр ва гурур бағишлайди. Ахир ер юзидан умргузаронлик қиладиган икки мингта яқин миллат ва элат вакилларидан бор-йўғи еттигинаси мўъжиза яратган ва улардан бири тўғридан тўғри бизга, яъни ўзбек миллатига тааллуқли бўлса, бундан фахрланмасдан бўладими?! Сўзимни нега дунёда мавжуд миллат ва элатлар, улар яратган мўъжизалар ҳақида бошладим? Агар сабр билан қўйидаги битикларни ўқиб чиқсангиз, ушбу саволга жавоб топасиз деган умидданман. Сўнгги ўн йилликда мамлакатимиз ўз тарихининг муқаддас мутлоқ янги босқичига қадам қўйди. Бу жараёнда иқтисодий ўсиш, инфратузилмавий ривожланиш билан бирга маънавиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани, янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида маданий уйғонини муҳим ўрин тутаяётгани алоҳида таъкидлаб ўтасан, арзийди. Айниқса, халқимизнинг бой тарихий меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва чуқур ўрганиш борасидаги кенг қўламли ишлар юртимизда янги давр бошланганидан далолат беради. Аждодларимиз қолдирган бебаҳо илмий ва маънавий хазиналар асрлар давомида инсоният тарихига хизмат қилиб келган. Боболаримизнинг асарлари, кашфиётлари ва гоълари бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Шу боис, бу меросни нафақат сақлаш, балки уни замонавий талқин асосида кенг жамоатчиликка етказиш орта ташлаб бўлмас вазифа саналади. Сўнгги йилларда тарихий обидаларни реставрация қилиш, қадимий қўлёзмаларни тиклаш, янги музей ва илмий марказлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз пойтахтида бунёд этилган Ислом цивилизацияси маркази минтақамизда сўнгги ўн йилликларда қад ростлаган иншоотларнинг марвариди бўлди, десак муболага эмас. Бу марказ нафақат меъморий жиҳатдан ноёб иншоот, Марказий Осиёнинг жаҳон тамаддунига қўшган

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда ер юзидан етти мингта яқин миллат ва элат яшайди. Ана шу миллат ва элатларнинг орасида бор-йўғи икки юзга яқини ўз мустақил давлати, демакки, ўз ҳудуди, байроғи, мадҳияси, пул бирлиги ва энг асосийси, ўз давлат тилига эга миллатлар ҳисобланади.

улкан ҳиссасини ўзидан акс эттирган, муқаддас динимиз тарихини мужассам этган илмий-маърифий маскан экани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу марказ узоқ асрлар ўтмиши ва бугун ўртасида мустаҳкам ва муҳташам кўприк сифатида хизмат қилажак. Шубҳасиз, ислом цивилизацияси инсоният тарихида беқиёс ўрин тутди. У фақатгина диний қарашлар мажмуи эмас, балки кенг қамровли маданий, илмий ва фалсафий билимлар тизими сифатида ўн тўрт аср давомида шаклланди. Айниқса, ўрта асрларда ислом дунёси илм-фан тарихининг маркази эди. Бу даврда математика, астрономия, тиббиёт, география, фалсафа каби кўплаб фанлар жадал ривожланди. Илмий тафаккур эркинлиги, излаш ва тажриба маданияти Фарбу Шарқ бўйлаб кенг ёйилди. Бу, ўз навбатида, тамаддунининг янги босқичини бошлаб берди. Марказий Осиё бу жараёнларнинг юраги бўлди. Айнан шу ҳудудда етишиб чиққан буюк алломалар илм-фан ривожига беқиёс хисса қўшдилар. Улар яратган илмий асарлар асрлар давомида дунё илмий тафаккурига йўл кўрсатиб келди. Биринчи Ренессанс деб аталувчи илк Уйғонинг даврида илм-фан мислсиз тарқайди. Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний каби буюк қомусий аждодларимизнинг

Аждодларимизнинг илмий мероси кейинчалик Европа орқали бутун дунёга тарқалди. Кўплаб асарлар лотин тилига таржима қилиниб, жаҳон бўйлаб илм-фан ривожига туртки берди. Айни шу асослар ислом цивилизациясининг жаҳон тарихидаги ўрни нақадар улкан эканини кўрсатади. Демак, бу меросни жамлаш ва тарғиб қилиш ниҳоятда муҳимдир. Ислом цивилизацияси маркази айнан шу вазифани бажарувчи маскан сифатида майдонга чиқди. Марказни барпо этиш гоёяси илк бор Президентимиз томонидан 2017 йилда БМТ минбаридан туриб илгари сурилган. Лойиҳа қисқа вақт ичида йирик бунёдкорликка айланди. Пухта ўйланган режа, аниқ мақсад асосида 2019 йилдан амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди. Қарийб ўн йил давомида мисли кўрилмаган қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бу жараёнда замонавий технологиялар ва миллий анъаналар уйғунлаштирилди. Ҳар бир элемент ўзига хос маънога эга бўлиб, у умумий концепцияни тўлдириб туриши билан эътибор тортиши шундан. Гўмбазлар, равоқлар, безаклар — барчаси тарихий анъаналар асосида яратилган. Қурилиш жараёнида минглаб мутахассислар иштирок этди. Меъморлар, тарихчилар, дизайнерлар ва муҳандислар бирга ишлади. Бу эса марказнинг мукамал шаклда бунёд этилишига хизмат қилди.

Бу ерда уларнинг илмий мероси кенг ёритилган. Марказда улкан кутубхона, конференция заллари, илмий лабораториялар мавжуд. Бу эса уни замонавий илмий масканга айлантиради. Иншоот архитектураси ва инфратузилмасига оид рақамлар ҳам унинг нақадар улкан ва мукамал лойиҳа эканини яққол намоён этади. Жами ҳудуди қарийб 10 гектарни ташкил этадиган бинонинг умумий фойдали майдони 42 минг квадрат метрдан ортиқ. Шу жиҳатдан у Марказий Осиёдаги энг йирик илмий-маърифий мажмуалардан бири ҳисобланади. У қаватли бинонинг узунлиги тахминан 161 метр, кенглиги 118 метрни ташкил қилади. Марказнинг асосий гўмбаз 65 метр балангликкача кўтарилиб, шаҳар манзарасига алоҳида фусун бағишлаган. Бу рақамлар ва имкониятлар марказнинг нафақат меъморий, балки функционал жиҳатдан ҳам юқори даражада ўйланган лойиҳа эканини кўрсатади. Мажмуанинг аҳамияти фақат миллий миқёс билан чекланиб қолмайди. У жаҳон цивилизацияси тарихини ўрганиш, исломнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш ва глобал илмий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим платформа сифатида хизмат қилади. Марказ дунё бўйлаб турир давлатлардан келган юзлаб олимларни бирлаштириб, халқор илмий мулоқот учун кенг имконият яратиб ҳам унинг аҳамиятини янада оширади. Бугунги кунда дунёда турли диний ва маданий қарама-қаршиликлар кучайиб бораётган мураккаб бир даврда мамлакатимиз ушбу марказ орқали исломнинг ҳақиқий моҳияти — маърифат, тинчлик ва таракқиёт гоъларини илмий асосда намоён этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, маъмур мажмуа нафақат илмий муассаса, балки цивилизациялар ўртасида мулоқот кўприги вазифасини бажарадиган стратегик лойиҳа ҳисобланади. Марказнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ана шу билан ҳам белгиланадики, у қўлами ва концепцияси жиҳатдан дунёдаги ислом цивилизациясига бағишланган энг йирик комплекслардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу ерда жамланган қўлёзмалар, илмий тадқиқотлар ва маданий экспозициялар нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсоният тарихи учун муҳим манба вазифасини ўтайди. Шу боис, марказ келгусида халқор туризм, таълим ва илм-фан интеграциясида ҳам муҳим ўрин тутганига шубҳа йўқ.



илм тафаккури орқали алгебра, тригонометрия, тиббиёт ва астрономия соҳаларида улкан кашфиётлар қилинди. Бу кашфиётлар кейинчалик Европа Уйғонинг даврига асос бўлиб хизмат қилди. Иккинчи Ренессанс даврида эса маданият, санъат ва адабиёт юксак даражага кўтарилди. Меъморлик, наққошлик, китобат санъати ривожланди. Бу даврда яратилган асарлар бугунги кунда ҳам қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Ҳоразм илмий мактаби математик ва астрономик кашфиётлари билан машҳурликка эришган бўлса, Бухоро диний-фалсафий билимлар маркази сифатида шуҳрат топди. Ўз навбатида, Самарқанд астрономия марказига айланди.

Ислом цивилизацияси маркази ички тузилиши жиҳатдан ҳам ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Бу ерда ҳар бир зал алоҳида мавзуга бағишланган. Куръон залида ноёб қўлёзмалар, китобат санъатининг ноҳид намуналари сақланса, тарихий экспозицияларда исломгача бўлган давр, муқаддас динимизнинг Марказий Осиёга кириб келиши, илм фан, маданият ва санъатнинг тарқайди топиши очиб берилган. Бу ерда қирган ҳар бир инсон ўзига хос маънавий муҳитни ҳис қилади. Интерактив воситалар эса бу жараёни янада жонлантиради. Алломаларга бағишланган бўлимлар марказнинг энг қизиқарли қисмларидан биридир.



УШБУ МАҚОЛАНИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА  
ҲАМ ўқиб ўчун  
QR-КОДНИ СКАНЕР  
ҚИЛИНГ!

Жаҳон матбуоти марказ ҳақида

### ЎТМИШ, БУГУН ВА КЕЛАЖАКНИ БОҒЛОВЧИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КЎПРИК

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази халқор жамоатчилик ва жаҳон ОАВ эътиборида бўлишда давом этмоқда. Нуфузли нашр ва телеканаллар ўз саҳифа ва эфир вақтидан марказ ҳақидаги хабарларга кенг жой ажратмоқда. Материаллар халқор журналист, таҳлилчи ва экспертлар томонидан тайёрланиб, лойиҳага нисбатан глобал профессионал ҳамжамиятнинг юқори қизиқишини кўрсатмоқда.

THE ECONOMIST

The Economist

Британия нашри Ислом цивилизацияси маркази фаолиятига бағишланган навбатдаги материални эълон қилди. Хусусан, мақолада маъмур марказ мамлакатдаги ислохотлар ва унинг халқор майдондаги аҳамияти ортиси нуқтаи назардан ёритилган. Қайд этилишича, мажмуа Ўзбекистон Президенти ташаббуси асосида амалга оширилган муаллифлик лойиҳаси бўлиб, инсонпарварлик, бағрикентлик ва маърифат гоъларига таянадиган изчил давлат сиёсатини акс эттиради. Бу ёндашув замонавий дунё қаҳриқларига муносиб жавоб сифатида баҳоланади. Мақолада марказ Ўзбекистоннинг замонавий маданий ва интеллектуал қиёфасини шакллантиришда муҳим омил сифатида таъсир қилган. Шунингдек, мамлакатнинг ўз тарихий меросини чуқур англаш ва уни глобал кун тартибига уйғунлаштиришга интилиши таъкидланган. Марказий Осиёга илмий ва фалсафий анъаналар асрлар давомида шаклланган, жаҳон тамаддунига катта таъсир кўрсатган ҳудуд сифатида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, меъморий анъаналар ва замонавий технологиялар уйғунлиги маданий ўзлигини сақлаган ҳолда модернизация йўли танланганини кўрсатади.

EL MUNDO FINANCIERO

EL MUNDO FINANCIERO

Испаниянинг El Mundo Financiero нашрида эълон қилинган материалда таъкидланишича, Тошкентда барпо этилган Ислом цивилизацияси маркази янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс гоъяси доирасидаги стратегик маданий ва интеллектуал лойиҳаси сифатида баҳоланиб, тарихий мерос, замонавий технологиялар ва илмий тадқиқот салоҳиятини уйғунлаштирган ҳолда цивилизациялар ўртасида мулоқот ва билим алмашинувини таъминловчи глобал платформа сифатида намоён бўлмоқда.

24.KG

24.KG

Киргизистоннинг оммабоп нашрида берилган мақолада таъкидланишича, Тошкентда барпо этилган маъмур марказ мамлакатнинг энг йирик маънавий-маърифий ва илмий лойиҳаларидан бири бўлиб, Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихи, бой маданий мероси ва жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини комплекс тарзда намоён этувчи муҳим илмий ва маданий макон сифатида баҳоланмоқда. “Ислом цивилизацияси маркази минтақа халқининг уч минг йиллик тарихини, интеллектуал салоҳиятини, маданий илдишларини ва жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини акс эттиради. Зеро, мамлакатда юритилаётган сиёсат асосида илм-фан ва таълим устуворлиги мужассам. Чунки айнан билим, маърифат ва инсон салоҳиятини ривожлантириш орқали кучли давлат ва эркин жамиятни барпо этиш мумкин”, дейилади мақолада.

ЎзЖОКУ талабси  
Азиза ШАРОФИДДИНОВА тайёрлади.

### Ифтихор

Тошкент. Эски шаҳар. Хастимом. Оқшом. Кўкларнинг соҳир ҳислар тўла майин нафаси уфуриб турибди. Самодаги юлдузлар Ислом цивилизацияси маркази биносининг нурли гўлбазига кўнишга навбат талашгандек гўлгон ўйнайди гўё. Марказнинг бор бўй-баста табаррук замин узра руҳий ҳаловат таратиб, киши қалбини ҳаприктириб юборади.



кўриши, тарихимизни ҳис қилиши ва билиши шарт. Бу ерлар тез-тез келиб кўришга арзийдиган даражада обод бўлибди. Тунов кўни ўғлим ва набираларим билан мажмуанинг ичкаридаги залларини кўрган эдик. Бугун атрофи бир ўзим айлангим келди. Бу кўнларга гувоҳ бўлиш, афсуски, кўплаб маҳалладош дўстларимиз, ака-укаларимизга насиб қилмади. Бизга эса кўрсатганига шукр.

\*\*\*

Тошкентликларнинг қизиқ бир одати бор. Танимаган ҳамшаҳри билан гурунлашиб қолса, гап гапта улашиб кетса, албатта, қайси маҳалладан эканини суриштиради. Шундай кезларда ўзим тугили ўсган, шу ердаги мактабда ўқиган, оила кўрган, 25 ёшимга қадар истиқомат қилган масканимни гурур ва ифтихор билан тилга оламан: “Хастимомданман!”. Савол берган одамнинг юзида шу заҳоти ҳавас билан бирга каминга хурмат пайдо бўлади ва доим муносабат бир хил янграйди: “Жуда улуг жойлардан экансиз!”.

Хастимом азалдан Тошкентнинг ислом, илм-маърифат, ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказларидан бири бўлган. Бунга ушбу масканда яшаб ўтган кўплаб мутафаккир, исломшунос олим, диний уламолар, худуднинг жуғрофий жойлашуви, ирригация иншоотлари — анҳор ва ариқлари сабаб бўлган. “Хастимом” сўзи эса “Ҳазрати Имом” атамасининг қисқартирилган шакли. Бу ном мусулмон олами имомларидан бири Абу Бакр Муҳаммад Қафғол Шоший мақбараси номидан олинган. Маҳаллий халқ унинг хурматидан бу жойни шундай атаган.

Умуман олганда, бугун Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази маҳобати, майдони ва қаровига кўра, дунёда ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган йирик мажмуалардан бири бўлиб тарих зарварларига кирмоқда.

Мажмуа атрофини икки марта айлашиб чикдик. Осмонга қарасам, гўё бу ердан кетгим келмаётганини сезгандек, гўлгон ўйнаган юлдузлар липиллаб кўз қисади. Уларга ҳавасим келди. Ахир ҳар кўни мафтункор манзарани кўкдан томоша қилади. Юлдузга хос мийтирган жилвасини бир пайтлар бола бўлиб югуриб юрган кўчаларим ўрнида қад ростлаган муҳташам мажмуанинг деворларига нур қилиб етказиш билан айтди.

Нуронийлик барибир ўз сўзини айтар экан — отам билан онам уйга қайтиш тараддудига тушиб қолди. Хастимомнинг тароватли оқшоми бизни яна қайтиб келиш шарти билан кузатиб қўйди.

## ФУСУНКОР ХАСТИМОМ ОҚШОМИ Юлдузлар жилвасида жо ҳақиқатлар



Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ана шундай ҳайбатли манзара огушида муаззам майдон юртдошларимиз, хориждан келган меҳмонлар билан гавжум. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази расман очилганига ҳали кўп бўлмади. Ўтган санокли кўнларда бу муҳташам мажмуанинг довури олам узра таралмоқда, буни маҳобатли масканни ўз кўзи билан кўриш учун дунёнинг турли мамлакатларидан атай келётган сайёҳлар оқими ҳам далиллаб турибди. Уларнинг ҳайрат тўла юз ифодасидан ўзбек халқининг бунёдкорлик ва донишмандлик закосига ҳурмат-эҳтиром сезасиз.

Оиламиз билан иккинчи марта зиёратга бордик. Ўтган ҳафта кундузи сайр қилганим, иккинчи гал кўнгил мажмуанинг оқшомги тароватини ҳам ҳис қилишни ихтиёр этди. Ҳамроҳларим — отам, онам, турмуш ўртоғимга қарайман. Улар ўз оламнинг ташбиҳи билан банд. Оилавий ҳайратимизни

фусункор Хастимом оқшомининг маҳобати билан уйғунлаштиришга ҳаракат қиламан. Отам қарийб ярим аср яшаган, онам билан турмуш ўртоғим келин бўлиб тушган, ўзим ҳам чорак аср вояга етган қадрдон маҳалламиз ҳудуди қачондир дунёни ўзига ром қилишини ҳеч биримиз ҳаёлимизга ҳам келтирмаганмиз.

Тўғри, Хастимом даҳаси азалдан мусулмон оламини ўзига жалб қилиб келган. Бу ердаги Бароқхон, Мўйи Муборак мадрасалари, Намозгоҳ ва Тилла Шайх масжидларидан иборат ансамбль обидаларини бир бор кўришга иштиёқмандлар доим бўлган. Аммо бу зиёрат тор доирада, асосан ислом этиқоидидаги кишиларнинг муқаддас тарихий маскани сифатида эди. Зеро, Хастимом нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида алоҳида нуфуз ва эътибор қозongan табаррук маскандир.

Бугун у Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилгани шарофати ила нафақат тарихий, шу билан бирга ўзида азалий қадриятларни жо қилган энг илгор ва замонавий архитектура мажмуаси ўларок ирки, дини, этиқоидидан қатъи назар, минглаб эмас, миллионлаб одамлар бир бор кўришни ният қилаётган манзил мақомини олди.

Марказнинг Қорасарой кўчасига қараган Улугбек портали зинасига қадам босар эканмиз, отам тўхташимизга ишора қилди.

— Уйимиз тахминан мана шу жойда жойлашган эди, — деди отам кўли билан ишора қилиб чегараларни кўрсатар экан. — Бугун эса тумонат одам бир пайтлар ҳовлимиз



бўлган ҳудуд орқали шундай муқаддас мажмуага кириб-чиқиб турибди.

Қадриятларимизнинг ёзилмаган қонунқоидалари кўп. Отам оиламиз учун бир вақтлар бошлана бўлган хонадонимиз ўрнида туриб, бу ерларда яшаб ўтган аجدдоларимиз, кўни-қўшни, қариндошу маҳалладошларимиз хотирасига Қуръон оятларидан тиловат қилди. Юзимизга фотиха тортиқ ва руҳимиз анча енгиллашди, назаримда.

Ота-онани толиқтириб қўймаслик мақсадида оҳиста юриб, худудни айландик. Одамларни кузатдим. Теваракнинг гўзаллиги барчани бирдек мафтун қилган. Чироқлар

нури ва деворларда акс этаётган ажабтовур тасвирлар кичкинтой сайёҳларнинг қувноқ ҳайқирғига сабаб бўляпти. Бироқ бундан ҳеч ким безовталаниб, юз буриштираётгани йўқ. Чунки барчанинг юзида табассумга уйғун ҳайрат ва ҳамма ўзининг ўша ҳайрат оламига сингиб кетган.

Сабаби, бу ерда мўъжиза устига мўъжизалар гувоҳи бўлиш мумкин. Бугун Эски шаҳар юрагида замонавий технологиялар ва тарихий хотира уйғунлашган янги маданий макон намоён бўлмоқда. Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган Ислом цивилизацияси марказида қош қорайғач, ноёб 3D мэппинг-шоу томошабинларга

тақдим этилмоқда. Лойиҳа Ўзбекистон музей макониди замонавий рақамли технологиялар орқали тарих ва маърифат ғояларини етказишга қаратилган илк йирик ташаббуслардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ислом цивилизацияси маркази бугун нафақат илмий ва маърифий мазмуни, балки инновацион ва креатив ечимлари билан ҳам жамоатчилик эътибори марказида. Мажмуа ичкаридаги экспозициялар илгор рақамли технологиялар асосида ташкил этилган бўлса, унинг ташқи меъморий қиёфаси ҳам томошабинлар учун ўзига хос саҳнага айланган. Кўёш ботиб, қоронғи туша бошлаши билан марказ деворларида ёруғлик, ранг ва ҳаракат уйғунлигида намоиш этилаётган 3D мэппинг-шоу тарихни кўз олдингизда жонлантиради.

Мазкур мэппинг-шоуни томоша қилиш учун марказ атрофида ҳар сафар 5000 дан зиёд маҳаллий аҳоли ва хорижий меҳмон тўпланади. Томоша икки сеансда намоиш этилади. Ҳар бир чиқиш катта қизиқиш ва оқшом билан қарши олинади. Ушбу визуал лойиҳа одамлар қалбига ўзига хос туйғулар уйғотиб, тарих ва маърифатни янги шаклда ҳис қилиш имконини бермоқда.

Бир пайт одамлар орасидан бир киши биз томон қучоқ очиб кела бошлади. Қарасам, шу маҳаллада яшаган қўшнимиз Раҳим амаки экан. У отамдан ҳамаси 4-5 ёш қатта. Кўринишидан анча бардам, тетик. “Ие, ие, ўзимнинг хастимомликларим”, дея кўришишга чоғланди. Минг йиллик қадрдонлар каби бир-биримизни бағримизга босдик. Хастимомда ўтган даврларни эсга олдик.

— Ҳаммангиз келиб яхши қилибсизлар, — деди Раҳим амаки отамга юзланиб. — Ҳар бир юртдошимиз бу ноёб маданий масканни

### Бир экспонат тарихи



## XIV АСРНИНГ ОЛТИН СИРИ Жабдуқлардаги нафис безаклар

Марказий Осиёда XIV асрга оид от жабдуқларининг безак қисмлари ўрта аср ҳарбий маданияти ва зодагонлар турмуш тарзининг муҳим белгиларидан бири сифатида эътироф этилади. Зарҳал юритилган қумушдан тайёрланган ушбу нафис буюмлар амалий вазифаси билан бирга эгасининг ижтимоий мавқеи ва қудратини ҳам намоён этган.

Мазкур артефактлар минтақада шакланган юксак металлосозлик ва заргарлик аъёнларининг ёрқин намунаси. Ушбу даврда от нафақат транспорт воситаси, балки ҳарбий куч, сиёсий нуфуз ва сарой маросимларининг муҳим рамзи бўлган. Шу сабабли от жабдуқлари кўпинча қимматбаҳо металллардан тайёрланиб, мураккаб нақшлар билан безатилган.

— Ушбу безаклар зарҳалланган қумушдан ишланган бўлиб, уларнинг юзасига ўйма ва нақш солиш техникаси қўлланган, — дейди Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази илмий котиби Рустам Жабборов. — Металл усталари қумуш юзасига нафис исломий ва гириҳ услубидаги нақшларни ўйиб, сўнг олтин қоқлама билан безаб, буюмларга ҳашамат бағишлаган. Ҳар бир детал тахминан 7,5 сантиметр диаметрга эга бўлиб, от жабдуқларининг турли қисмига — жиллов, юган ёки тасмаларга маҳкамланган.

XIV асрда Марказий Осиё давлатлари ҳарбий отлик қўшинлари билан машҳур бўлган. Айниқса, бу даврда шакланган ҳарбий аъёнлар кейинчалик темирайил даврида янада такомиллашган. От жабдуқларини безаш санъати эса сарой устaxonалари ва заргарлик марказларида ривожланган. Бундай буюмлар кўпинча ҳукмдорлар, амирлар ёки юқори мартабали лашкарбошиқларга тегишли бўлган.

Бугун ушбу ноёб безаклар Буюк Британиядаги машҳур коллекциядан олиб келиниб, Ислом цивилизацияси марказида сақланмоқда. Мажмуада кўплаб бундай ноёб ва асл нуҳадаги артефактлар билан танишиш мумкин. “Улар Марказий Осиё ҳунармандчилиги, хусусан, ўрта аср металл санъати нақадар юксак даражада ривожланганини кўрсатиб берувчи муҳим тарихий далилдир”, дейилади марказ хабарида.

Лайло АБДУҚАҲҲОРОВА

Ўтган ҳафта тўғриқимиз гуруҳимизга Ислом цивилизацияси марказидан репортаж қилиш топширигини берди. Бошқаларни билмадим, мен бундан жуда хурсанд бўлдим. Аслида, марказга оилавий борадиган бўлсам ҳам у ердан чиройли лавҳалар тайёрлашни дилга тукқандим. Лекин алоҳида топширик билан бориш бошқача экан.



### Тафаккур кенгликлариди

## МАҲОБАТЛИ МАРКАЗ БИЗ УЧУН БЕБАҲО МЕРОС



маҳобатни ўз кўзимиз билан кўриш ва ўзимизга мерос билиб, у билан гурурланиш насиб қилди.

Шундай ҳаёллар билан ичкарига қадам қўйганимда ўзимни гўё замонлар оралиғида саёҳат қилаётгандек ҳис қилдим. Ҳар бир бурчак, ҳар бир экспонат инсоният тарихининг чуқур илдизлари, илм-фан тараққиёти ва бой маданиятимиздан сўзлаб турибди. Инсоният яратилишидан илм-фаннинг шаклланиши ва ривожланишига бўлган жараёнлар жуда мукаммал тарзда ёритилган. Айниқса, қадимги даврларда фойдаланилган асбоб-ускуналар, илмий кашфиётлар ва уларнинг амалий аҳамияти ҳақида берилган маълумотлар мени чуқур уйғатди.

Бу ерда тарих шунчаки ўқилмаган ёки эшитилмаган нарсаси эмас, уни ҳис қиласиз, унда яшайсиз. Мана бунга асл тарих дарси деса бўлади. Аслида, тарих дарси кўплаб ўқувчилар, талабалар учун қизиқарли бўлади. Бироқ бу ерга келган ҳеч бир ёш лоқал бир нарсадан ҳайратга тушмай кетмайди. Устозлари гапириб берган тарихий воқеалар, тарихий шахслар кўз олдида жонланади. Айниқса, Бақтрия ва Сўғд каби қадимги давлатлар макетлари ниҳоятда дид билан, аниқ ва жонли тарзда акс эттирилган. Ушбу макетлар орқали ўтмишдаги ҳаёт тарзи, шаҳарсозлик маданияти ва тарихий муҳитни аққол тасаввур қилиш мумкин.

Мени энг ҳайратга солган жиҳатлардан бири буюк алломаларимиз — Абу Али

ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Манғуберди, Мирзо Улугбек ва Амир Темури каби сиймоларимизнинг замонавий технологиялар орқали “жонлантирилгани”. Сунъий интеллект ёрдамида уларнинг образлари турли тилларда “сўзлаб”, ўз фикрларини ифода этаётгандек таассурот уйғотди. Бу турли давлатлардан ташриф буюрётган сайёҳлар учун ҳам ниҳоятда қулай ва таъсирчанлиги билан қимматли.

Марказда сақланаётган тарихий қўлёзма ва китоблар ўзига хос аҳамиятга эга. Уларнинг ҳар бири ўтмишдан бизга етиб келган бебаҳо хотира, аждодларимизнинг илмга бўлган чексиз интилишининг ёрқин далили. Ушбу асарлар ўзида туриб, инсон беихтиёр фахр туйғусини ҳис қилади, ўз илдизларига янада чуқурроқ назар ташлайди.

Мен учун бу ташриф нафақат оддий экскурсия, балки руҳий ва маънавий саёҳат бўлди. Бу ерда тарихни кўрдим, илмни ҳис қилдим ва аждодларимизнинг буюк меросини яна бир бор англадим. Энг муҳими, бу маскан катта илҳом берди — ўқишга, илганишга ва келажакда юртимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшишга бўлган иштиёқим янада ортди.

Сарвиноз МУРОТАЛИЕВА,  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси



Мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеалар силсиласи давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг тантанали очилиш маросимида “Бугун биз орзу қилаётган янги Бухорий, Термизий, Фарғоний, Хоразмий ва Марғиновичлар авлоди қаердан етишиб чиқади? Албатта, улар мана шундай маърифат, илм ва зиё масканларида тарбия топади”, деди.

КЎЗГҮ

# ЎСИШ, ИНТЕГРАЦИЯ ВА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА



**Фарҳод АХРОРОВ,**  
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи

Ўзбекистон ва Чехия ўртасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик янги мазмун ва янги руҳ билан бойиб, муттасил ривожланиб бормоқда. Илгари асосан алоҳида лойиҳалар, грант дастурлари ва қисқа муддатли ташаббуслар доирасида шаклланган бу муносабатлар бугун янги босқичга — чуқур ўйланган, тизимли ва узоқ муддатли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Энди бу ҳамкорлик аниқ мақсад ва устувор йўналишларга асосланган ҳолда шаклланди.

Фикрлашни шакллантириш ва глобал меҳнат бозори талабларига мос мутахассис бўлиб етишиш йўлида муҳим қадамдир. Асосийси, бу жараён таълим соҳасидаги интеграцияни чуқурлаштириб, миллий кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро мезонлар асосида такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Бугун ушбу дастурларда тахсил олаётган ёшлар эртага ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиб етишиши билан бирга турли маданият ва илм мактабларини боғловчи кўприк вазифасини бажарадиган интеллектуал авлод бўлишига умид қиламиз.

Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги ҳамкорлик фақат таълим алоқалари билан чекланиб қолмайпти. Илм-фан ва инновациялар майдонида ҳам тобора чуқурлашиб, янги мазмун касб этмоқда. Erasmus+ ва Horizon Europe каби нуфузли халқаро дастурлар доирасидаги қўшма тадқиқотлар бу жараённинг муҳим таянчига айланди. Ушбу платформалар орқали илмий ёғлар алмашинуви, инновацион ечимлар ишлаб чиқиш ва замонавий технологияларни жорий этиш бўйича ўзаро манфаатли лойиҳалар ҳаётида таъбиқ этилмоқда. Айниқса, бу ҳамкорликнинг устувор йўналишлари замон талабларига ҳамроҳан шаклланаётгани диққатга сазовор. “Яшил” технологиялар ва барқарор ривожланиш соҳасидаги тадқиқотлар агроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона

Университетлар ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб, нафақат билим алмашиниш майдони, балки илмий ёғлар, инновацион ечимлар ва келажак технологиялари яратилган умумий интеллектуал маконга айланяпти. Бу жараёнда ҳар икки давлатнинг таълим тизими бир-бирини бойитиб, тажриба ва имкониятлар уйғунлиги орқали янги сифат босқичига чиқмоқда.

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишининг расмий ташири билан мамлакатимизга келгани бу ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

2020-2026 йилларда Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги таълим алоқалари мазмунан ҳам, миқд



жиҳатидан ҳам янгиға қийфа касб этди. Бу йилларда икки мамлакатни боғлаб турган академик кўприклар мустаҳкамланиб, улар орқали билим, тажриба ва илмий қарашлар эркин ҳаракатлана бошлади. Айниқса, Чехия олий таълим муассасаларида ўқиётган ўзбекистонлик талабалар сонининг йил сайин ортиб бориши ушбу ҳамкорликнинг энг ёрқин кўрсаткичларидан бирига айланди.

2020 йилда бу кўрсаткич тахминан 350 нафарни ташкил этган бўлса, бугун 700 га яқинлашиб, ўсиш тенденциясини сақлаб қолмоқда. Бу рақамлар ортида юзлаб ёшларнинг орзу-истаклари ва халқаро майдонда ўз ўрнини топишга интилиши мустаҳкам. Ўзбекистонлик талабалар учун Чехия нафақат сифатли таълим манбаи, балки инновацион фикрлаш, мустақил тадқиқот олиб бориш ва замонавий касбий кўникмаларни эгаллаш имконини берувчи муҳим илм-фан мамлакатига айланмоқда. Айниқса, муҳандислик, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва аграр соҳа каби стратегик йўналишлар бу ҳамкорликнинг асосий устуворлари.

Сўнги йилларда олий таълим ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг пойдевори янада ишончли ва барқарор тус олмоқда. Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети каби етакчи олий таълим муассасаларининг Чехиянинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиши эса бу жараёнга мазмун ва сифат бағишламоқда. Натияжада талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви янги босқичга чиқиб, илм-фан ҳамда таълим соҳасидаги ёғлар эркин алмашинуви учун кенг имкониятлар очилляпти.

Ҳозир Ўзбекистон ва Чехия олий таълим муассасалари ўртасида йўлга қўйилган қўшма таълим дастурлари ҳамкорликнинг энг самарали ва замонавий кўринишларидан. 2+2, 3+1, 1+1 ва 1,5+0,5 каби таълим моделлари орқали талабалар икки мамлакатнинг илмий ва таълим муҳитини ўз кўзи билан кўриш, турли академик анъаналарни ўзлаштириш ва халқаро тажриба орттириш имконига эга бўлмоқда. Бу дастурлар нафақат билим олиш, балки дунёқарашни кенгайтириш, мустақил

фойдаланишга хизмат қилмоқда. Сув ресурслари ва экология бўйича қўшма изланишлар эса минтақавий экологик муаммоларга илмий асосланган ечимлар топишга йўналтирилган.

Шу билан бирга, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги ҳамкорлик замонавий иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бўлиб, инновацион маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқишга замин яратмоқда. Аграр инновациялар йўналишидаги тадқиқотлар эса қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва илгор технологияларни жорий этишга гоят аҳамиятли.

Энг муҳими, ушбу йўналишлардаги ҳамкорлик фақат назарий изланишлар билан чекланиб қолмай, амалий натижаларга йўналтирилган. Илм-фан ютуқлари реал иқтисодиёт ва жамият эҳтиёжлари билан уйғунлашиб, инновацион тараққиётга хизмат қилаётгани шерикликнинг энг катта ютуғидир. Яқин истиқболда Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга қаратилган қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, 2026 йилда Чехияда биринчи Ўзбекистон — Чехия ректорлар форумини ўтказиш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Бу форум университетлар ўртасидаги мулоқотни тизимлаштириш, устувор йўналишларни белгилаш ва янги қўшма лойиҳаларни бошлаб бериш учун муҳим платформа вазифасини бажаради. Шу билан бирга, академик мобиллиқни кенгайтириш орқали талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро алмашинувини янада фаоллаштириш, уларга халқаро тажриба орттириш имкониятларини кенгайтириш режалаштирилган. Double Degree ва PhD cotutelle каби дастурларни ривожлантириш эса икки мамлакат таълим тизимларининг янада уйғунлашувиға, илмий мактаблар ўртасида чуқур ҳамкорлик шаклланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, қўшма стартаплар ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, технопарклар ва университет инкубаторлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали илм-фан ва бизнес ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келгусида ушбу шериклик икки мамлакат учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий салоҳиятини ошириш ва глобал таълим маконига муносиб ўрин эгаллашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Боши осмонга етган фавворалар — бугун келажакка юксак ишонч билан интилаётган, ўзининг яратувчанлик қудрати билан дунёни хайратга солаётган халқимизнинг улғуворлик рамзи. Бу фавворалар билан шўхчан ўйнашаётган, кўнгилларга хушнудлик улашаётган насими найсон — янги Ўзбекистондаги улкан ислохотларнинг муаттар шабадаси. Қадимий иншоотлар, кўхна деворлар пойида қад ростлаётган муҳташам мажмуалар эса биз интилаётган Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдевориға айланмоқда.



Дилдаги гаплар

# МАРҒИЛОНДА ЯНА БИР МАЪРИФАТ ҚУЁШИ ЧАРАҚЛАДИ

Фарғонаниннг файзли саҳарида, мовий осмон остида нур таратаётган Марғилон шаҳрида яна бир маърифат қуёши чарақлади. Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи ҳамда “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиши нафақат фарғоналиклар, балки бутун ислом олами, илм-фан аҳли учун тарихий шодибанаға айланди. Ушбу маскан ўтмишининг олтин ҳалқалари билан эртанги куннинг ёрқин уфқларини бир-бирига боғлаган, аждодлар руҳини авлодлар шижоати билан туташтирган даргоҳдир.

Президентимизнинг маъмур тантанали маросимдаги ҳар бир сўзи, ҳар бир фикри зиммамизга улкан масъулият ва шараф юкляди. Зеро, маърифат аҳли учун бу каби эътибор — ижодий парвозлар ва янги илмий кашфиётлар учун битмас-туганмас куч-қувват манбаи.

Мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеалар силсиласи давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг тантанали очилиш маросимида “Бугун биз орзу қилаётган янги Бухорий, Термизий, Фарғоний, Хоразмий ва Марғиновичлар авлоди қаердан етишиб чиқади? Албатта, улар мана шундай маърифат, илм ва зиё масканларида тарбия топади”, деди. Бу сўзлар биз, олий таълим мутасаддилари ва профессор-ўқитувчилар зиммасига улкан вазифа юкляйди.

35 гектар майдонда барпо этилган ушбу муҳташам мажмуа таркибидаги Ислон ҳуқуқшунослиги институти нафақат диний, балки ҳуқуқий ва ижтимоий фанлар ривожини ҳам пойдевор бўлади.

Йиллар давомида кўнглимизнинг туб-тубида бир армонли савол бизни қийнаб келар эди: нима учун дунё халқлари ўзларининг афсонавий қаҳрамонларини шунчалик эъзозлайдилару, биз жонли тарихимизга, миллий менталитетимиз тимсоли бўлган қаҳрамонларимизга келганда бир оз ортда қолмоқдамиз? Масалан, “Тарих отаси” дея эътироф этиладиган Геродот ҳақида ҳамма билади. Бугун Грециядаги Акрополга борган ҳар бир сайёҳга тоғ чўққисидаги улкан харсангини кўрсатиб, “Геродот айнан шу ерда ўтириб шоғирдларига дарс берган”, дейишади. Бу шунчаки ривоят бўлса-да, бутун дунё унга ишонади, уни ҳурмат билан зиёрат қилади.

Хўш, шундай экан, нима учун ҳақиқий тарихий воқеаларга асосланган, ҳар бир жумласидан миллий



ўзлимиз уфуриб турадиган “Ўткан кунлар” асари қаҳрамонлари — садоқат ва муҳаббат тимсоли бўлган Отабек ва Қумушқоби яшаган Мирзақарим қутидор ҳовлисини улғувор намунада барпо этмаслигимиз керак? Ахир Отабек тимсолида ўзбек йигитининг буқилмас қадди ва гурури, Қумушқоби сиймосида эса ўзбек қизининг тенгсиз ибоси ва юксак маънавий қийфаси мужассам-ку!

Узоқ йиллар давомида концепция устида бош қотирилган, барчамизни ўйлантириб келётган бу эзгу саволлар бугун ўзининг амалий жавобини топди. Президентимизнинг маърифат маскани — Фарғонанга ташрифи арафасида айнан Марғилонда миллий қадриятларимиз акс этган бу каби обидаларнинг қад ростлаши биз — олимлар ва зиёлиларнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Энди ушбу мажмуага келган ҳар бир ёш нафақат биниолар маҳобатини кўради, балки Абдулла Қодирий

ташвиридан ўша самимий ҳаётни, миллий ахлоқ-одобимизнинг юксак чўққисини ҳис қилади. Бу ҳовли шунчаки меъморчилик обидаси эмас, балки ўзлимизга, тарихимиз ва келажак авлодлар тарбиясига садоқатимиз рамзидир. Бу маскан Фарғона давлат университети талабалари ва ёш олимлари учун ҳам чинакам амалиёт ва тадқиқот майдониға айланиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, Фарғона бугун барча соҳада ўзининг тажриба мактабига эга бўлиб бормоқда. Риштон кулолчилиги, Қўқон хунармандчилиги ва Марғилоннинг ипакчилик анъаналари энди илмий асосда тадқиқ этилди. Президентимизнинг фарғоналик устоз санъаткорлар маҳорат мактабларини ташкил этиш бўйича ташаббуслари университетимизнинг санъатшунослик ва маданият йўналишлари учун янги уфқлар очди. Биз Жўраҳон Султонов, Мазмуржон Узоқов каби буюк овоз соҳибларининг анъаналарини давом эттирадиган ёш истеъдод эгаларини тарбиялашда ушбу мажмуа имкониятларидан кенг фойдаланамиз.

Марғилон қадимдан “Маърифат аҳлининг ватани” деб аталган. Бугун эса ушбу ном замонавий инфратузилма, туризм салоҳияти ва илм-фан ютуқлари билан бойитилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари, АТ парклари ва таълим муассасалари Фарғонаниннг қийфасини тубдан ўзгартирмоқда. Бу ислохотлар замирида халқни рози қилиш мақсади мужассам.

Биз — Фарғона давлат университети жамоаси Президентимизнинг нуқтидан келиб чиқиб қатор вазидаларни ўзимиз учун белгилаб олдик. Бурҳониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асари ва бошқа ҳуқуқий меросини замонавий ҳуқуқшунослик билан боғлаган ҳолда тадқиқ этиш, мажмуаниннг туризм салоҳиятини ошириш учун гид-таржимонлар тайёрлаш ва ҳудуд тарихини илмий асослаб бериш шулар жумласидан.

Ташриф вилоятимиз учун янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Биз, зиёлилар ушбу эзгу ишларнинг фаол иштирокисини бўлиб, янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишда бор куч-гайратимизни сафарбар этамиз.

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,**  
Фарғона давлат университети ректори



**Раҳима ЙЎЛДОШЕВА,**  
Халқ депутатлари Беруний тумани кенгаши депутаты

Мазкур ҳудудда сўнги йилларда инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳаларни такомиллаштириш бўйича қатор амалий ишлар қилинди. Айниқса, Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари фаолияти, ташаббускорлиги ва жойлардаги муаммоларға ечим топишдаги иштироки аҳоли ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.



# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## Беруний туманида ҳам буй кўрсатаётир

Мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотлар нафақат пойтахтда, балки энг чекка ҳудудларда ҳам самара бермоқда. Янги Ўзбекистон ғояси асосидаги ислохотлар марказида инсон қадрини, манфаатларини ва фаровон ҳаёти турибди. Бу жараёнларни қорақалпоғистоннинг Беруний тумани мисолида яққол кўриш мумкин.



Обод манзиллар



УШБУ МАКОЛАНИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА  
ҲАМ Ўқиш учун  
QR-КОДИНИ КАНЕР  
ҚИЛИНГ!

аҳолини қийнаган ички йўлларнинг таъмиртаб ҳолати босқичма-босқич бартараф этилди. Хусусан, Беруний туманининг чекка “Найман” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳоли йиллар давомида йўллар таъмиртабалиғини сабабли қийналиб келган эди. Маҳалла “Обод қишлоқ” дастуриға киритилиб, йўллар қисқа муддатда асфальтланди, эски уй-жойлар қайтадан қуриб берилди. Бугунги кунда бошқа муҳим йўналишларда ҳам амалий ислохотлар буй кўрсатмоқда. Жумладан, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи доимий эътиборда бўлди. Илгари сув танқислиғи кузатишган бўлса, ҳозирги кунда бутун туманда янги қудуқлар қазилиб, замонавий сув тармоқлари тортилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш бора-бора сезиларли натижаларға эришилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароитлар яратилди, имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Бугунги кунда қатор қорхоналар фаолияти кенгайиб,

хотин-қизлар, ёшлар иш билан таъминланиб, даромад манбаи пайдо бўлди. Ижтимоий соҳада ҳам муҳим ўзгаришлар кузатишмоқда. Мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари ва тиббиёт муассасалари таъмирланиб, замонавий жиҳозланди, айримлари янгидан қад кўтарди. Олис ҳудудлардаги оилавий поликлиникалар фаолияти яхшиланиб, аҳолиға кўрсатилётган тиббий хизмат сифати ошди.

Халқ билан очик мулоқот тизими йўлга қўйилгани, жойларда мунотазам равишда ўтказилаётган сайёр қабуллар, аҳоли мувожатларининг ўрганиши ва уларға теъвор ечим топиш амалиёти ўзига хос анъанаға айланаётир.

Албатта, ҳали ечимини кутаётган масалалар йўқ эмас. Бироқ муҳим жиҳати шундаки, бугунги кунда муаммолар яширилмаяпти, аксинча, очик муҳокама этилиб, уларни ҳал этиш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги ишончли мулоқот шаклланишидан далолат беради.



Спектаклдан сўнг

Бугун мамлакатимизда маданият ва санъат тизимини замонавий талаблар асосида ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар кечмоқда. Натижада соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, кадрлар салоҳияти ошиб, ходимларнинг ижодий меҳнати муносиб рағбатлантирилаётган. Мазкур ҳаракатлар натижасида маданият ва санъат соҳаси сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариляпти, жамиятда маънавий муҳит юксалаётган, ижодкорлар учун кенг имкониятлар яратилиб, миллий маданиятнинг рақобатбардошлиги ортомқда. Шу билан бирга, тарихий меросни асраш ва замонавий инфратузилмани ривожлантириш орқали маданий туризм кенгайтириб, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга ҳам сезиларли ҳисса қўшмоқда.



# НАВОИЙ ДАҲОСИ САҲНАДА



**Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор

Театр санъати шунчаки саҳнадаги томоша эмас, балки инсониятнинг ўзини англаш воситаси ва юксак маънавий масканидир. Унда ҳаётнинг воқеалар, инсоний туйғулар ва жамиятдаги долзарб масалалар жонли ижро орқали томошабин қалбига етказилади.

Кино, телевидение ёки интернетдан фарқли ўлароқ, театрда актёр ва томошабин ўртасида бевосита руҳий алоқа ўрнатилади. Томоша давомида юзага келадиган энергия алмашинуви инсонни чуқур мулоҳаза юритишга, яхшиликни ёмонликдан ажратишга чорлайди. Шу билан, театр асарлар давомида ўз жозибасини йўқотмай, маънавий покликни ва тарбия ўчоғи бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда театр санъатига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик натижасида соҳанинг ривожланиши суръати сезиларли даражада ошди. Янги ташаббуслар, замонавий ёндашувлар ва тизимли ислохотлар нафақат ички имкониятларни кенгайтирмоқда, балки халқаро майдонда ҳам соҳанинг мавқени мустаҳкамлаётган.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 22 ноябрдаги “Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа тараққиётида янги даврни бошлаб берди.

Ушбу ҳужжат асосида “миллий қаҳрамон” ва “инсон қадрини унун” мавзуларида спектакллар яратиш, драматург ва режиссёрлар учун махсус мукофотлар жорий этиш, таълим ва амалиёт уйғунлигини кучайтириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, театр жамоалари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш, нодавлат театрларни рағбатлантириш, худудларда гастроль ва

маданий хизматларни кенгайтириш каби кўплаб устувор вазифалар белгиланди.

Бунинг самарасини юртимиз театрларида қатор жиддий мавзуларда юксак савияли спектакллар саҳналаштирилаётганида кўрмоқдамиз.

2026 йилнинг 18-19 апрель кунлари Ўзбекистон давлат драма театрида премьераси бўлиб ўтган, буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг бебаҳо адабий мероси — “Лайли ва Мажнун” дostonи асосида саҳналаштирилган спектакль ана шундай муҳим маданий воқелик бўлди.

Бугунги глобаллашув даврида турли бегона гоё ва маданий таъсирлар кучайиб бораётган бир шароитда Навоий мероси ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитувчи, миллий ўзлигини асрашга хизмат қилувчи бебаҳо манба сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Бу мерос инсонни юзаси кўнгилочар нарсалардан кўра чуқурроқ мушоҳада юритишга ва ҳаётнинг мазмунини ҳақида теран ўйлашга ундайди.

Мумтоз адабиётимиз дурдоналарининг театр саҳнасида олиб чиқиши нафақат маданий меросни сақлаш, балки уни халқчил



спектаклда ҳам тасаввуфий фалсафа, инсон умри ва унинг мазмунини борасидаги мушоҳада ёрқин намён бўлади.

Шунингдек, Аскар Холмушов айна спектакль орқали Ўзбек театрининг режиссёрлик анъаналарини тиклагандай бўлди. Шу ўринда бундай хулосалар тасодифий эмаслиги ва театр санъати ривожини учун етук режиссёрлар етиштириб бериш муҳим эканини англаб, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида режиссёрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлаш жоиз.

Бу борада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов, Ўзбекистон халқ артисти Валижон Умаровнинг талаба ёшларга сабоқ бериш учун институтга жалб этилгани таъкидланган эзу мақсадларнинг ифодаси дейиш мумкин.

Театр саҳнасидаги мумтоз образлар жамиятда олижаноб фазилатлар ва юксак эстетик дид тантанасига хизмат қилади. Ушбу спектакль томошабин учун чинакам маънавий озуқа ва миллий гурур манбаи бўлиб қолгусидир.

Яна таъкидлаш жоизки, бугунги мураккаб ва тезкор ахборот оқимлари даврида театр санъати инсонни ички сукунатга, тафаккур ва мушоҳадага чорлайдиган ноёб макон сифатида янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, мумтоз меросимизни саҳна талқинида намойиш этиш орқали ёш авлод онгига миллий ўзлигини мустаҳкамлаш, юксак маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш имконияти кенгаймоқда. “Лайли ва Мажнун” каби асарлар саҳнада жонларан экан, улар нафақат эстетик завқ бағишлайди, балки инсон қалбига эзгулик, садоқат ва поклик каби туйғуларни уйғотиб, жамият маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу саҳна асарини кўрган ҳар бир томошабин Навоийни ўқиган бўлса, тасавуфлари янада теранлашади, бордию чуқур ўрганмаган бўлса, уни ўрганишга иштиёқли ошади. Пиравардида эса у ҳам театрга, ҳам адабиётга ошно бўлади.

Шу нуқтани назардан, театр жамоалари зиммасига янада катта масъулият юкланади. Ҳар бир саҳна асари томошабинга нафақат завқ, балки фикр, савол ва ички ўзгариш олиб келиши лозим. “Лайли ва Мажнун” спектакли ана шундай асарлар сирасига кириб, томошабинни ўз руҳий оламига назар ташлашга ундайди.

**“ Театр саҳнасидаги мумтоз образлар жамиятда олижаноб фазилатлар ва юксак эстетик дид тантанасига хизмат қилади. Ушбу спектакль томошабин учун чинакам маънавий озуқа ва миллий гурур манбаи бўлиб қолгусидир.**

тилда қайта жонлантириш воситасидир. Саҳнадаги ҳар бир чиқиш орқали халқимизнинг неча асрлик қадриятлари, миллий ўзлиги ва маънавий илдилари замонавий авлод учун янгидан кашф этилади.

Гоё муаллифи ва адабий маслаҳатчи — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султон, инсценировка муаллифи — Икром Искандар, саҳналаштириш бадний раҳбари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов, саҳналаштирувчи режиссёр Аскар Холмушовнинг каби профессионал ижодкорлар меҳнати махсус бўлган ушбу асар жамоатчилиқда қатъа қилиниши уйғотди.

“Лайли ва Мажнун” дostonи шунчаки икки ёшининг фожиавий муҳаббати ҳақидаги қисса эмас, балки инсон руҳининг юксалиши ва маънавий камолот босқичларини ёритиб берувчи юксак фалсафий асардир.

Унда Қайснинг Мажнунга айланиш жараёни — инсоннинг ўз нафсини жиловлаши, дунёвий манфаатлардан воз кечиби, илоҳий ишқ ва муғлак ҳақиқатга интилиши рамзий тилда баён этилган. Мажнуннинг саҳродаги узлатда яшаш унинг ички оламидаги ҳайвоний сифатларини енгиб, комил инсон даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Асар инсонни садоқат, ҳаё ва қатъият каби олижаноб фазилатлар руҳида тарбиялайди. Лайли сиймосидаги ифбат ва сабр, Мажнун образидаги чексиз фидойилик ва аҳдга содиқлик ҳар бир давр кишиси учун ўзига хос ахлоқ мактаби бўлиб хизмат қилади.

Навоий бу дoston орқали инсоннинг ҳақиқий қиймати ташқи кўриниши ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки қалбининг поклиги ва эзу гурури йўлидаги руҳий матонатни билан ўлчанишини уқтиради.

Спектаклнинг ўзига хос томони унда Алишер Навоий образининг ровий сифатида иштирок этишидир. Бу, бир томондан, томошабинларга Навоий бобомизнинг ички кечинмаларини кўрсатиб бериш имконини яратса, иккинчи томондан, саҳна имкониятлари етмайдиган муҳим нуқталарга ровий орқали алоҳида эътибор қаратишга хизмат қилган. Спектаклда Навоий тилидан унинг туркий тил қудрати ва бу тилда юксак асар яратиш иштиёқли ҳақидаги машҳур байтлари янграйди.

Бу орқали мутафаккир бобомизнинг нафақат ишқ куйчиси, балки миллий тилимиз ва давлатчилигимиз фидойисини бўлгани яна бир бор намён этилади. Спектаклни кўрган томошабин унинг айна шу жиҳатларига эътибор қаратиши жоиз.

Мазкур спектакль томошабиндан муайян маънавий тайёргарликни талаб этади. Зеро, асарни Навоий ижодидаги рамзийлик ҳамда тасаввуфий кечинмаларни англамай туриб томоша қилган инсон уни Шекспир асарлари руҳида яратилган фожиали севги қиссаси

сифатида қабул қилиши мумкин. Аслида, бу асар инсон руҳининг юксакликка интилиши, илоҳий ишқ ва комиллик ифодаси сифатида талқин этилган.

Мазкур спектаклни Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” фожиасига қиёслаш мумкин, бироқ уларнинг моҳияти ўртасида улкан тафовут мавжуд. Шекспир трагедияларида инсоний тақдирлар реал ҳаётнинг чизгилар ва эҳтирослар фониди тасвирланса, Навоий дostonларида фалсафий мушоҳада ва комил инсон гоёси устувор. Бу асарлар шунчаки севги қиссаси эмас, балки рамзий маънолар силсиласи орқали инсон руҳини покликка, маънавий юксакликка чорловчи бир даъватдир.

Режиссёр илоҳий ишқ ҳақидаги дoston — “Лайли ва Мажнун”ни саҳналаштиратган экан, унинг саҳналарини бежиз “Ромео ва Жульетта”га қиёсан қурмаган. Спектаклдаги қаҳрамонларнинг ниқобларида артистлар экан, унинг саҳналарини бежиз “Ромео ва Жульетта”га қиёсан қурмаган. Спектаклдаги қаҳрамонларнинг ниқобларида артистлар экан, унинг саҳналарини бежиз “Ромео ва Жульетта”га қиёсан қурмаган.

Навоий даҳоси ва юксак бадийиятини саҳнага кўчириш осон иш эмас. Унга мос саҳнавий ифода воситаларини топиш ижодкорлардан катта маҳорат талаб этади. Синтетик санъат бўлиши театрда ҳар бир компонентнинг ўз ўрнида ва юксак савияда қўлланиши, ўзаро уйғунлиги жуда муҳим аҳамият касб этади.

Саҳна очилганда унинг кўндалангига жойлаштирилган, ҳар ерида нарвонлари мавжуд ҳамда юқорисиди иштирокчиларнинг ижроси учун ҳозирланган, юзага эга бўлган иккита темир конструкция саҳнани иккига ажратиб турганини кўраимиз. Ичкарида эса томошабинга гира-шира кўринадиган тарзда ишқ куйчилари ўтирибди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муножот Тешабоева ҳамда артистлар Зарифа Алимқулова, Нодир Бегмуродов, Юнус Аскарқовдан иборат бу гуруҳ ижросидаги ҳазин кўшиқлар, юракларини сел қилгучи нолалар спектаклга руҳ бағишлаган бўлиб, дostonнинг туб моҳиятини очишга хизмат қилган. Умуман, режиссёрнинг композитор Айенберген Отегенов билан ҳамкорлиги самарали бўлган дейиш мумкин.

Спектаклда жаранлаган мусиқаларда нафақат шарқона, балки Европа мусиқаси

билан уйғун композициялар ҳам борки, улар томошабиннинг тасаввурини чексизликларга олиб кетади. Саҳнанинг ортиқча безакларисиз, фақат гилдиракли икки қаватли темирлардан иборат экани ҳам кўрсатилажак воқеаларнинг бир ҳудуд, бир давр ёки бир минтақага оид эмаслигини, балки азалу абад афсонаси эканини жонлантиришга имкон берган.

Саҳналаштирувчи расом Миржалол Холқов ҳамда либослар бўйича расом Раъно Хайриддинованинг спектакль бадий ечимини борасидаги ишлари ҳам томошабин эътиборини тортади.

Сценариядаги минимализм эътиборни ортиқча нарсалардан сақлаб, асосан воқеаларга, қаҳрамонлар руҳиятидаги ҳолатларга қаратишга ёрдам беради. Бунда биргина темир қурилма турли функцияларни янада оширган. Айниқса, спектакль сўнггида ушбу қурилманинг икки шевиган тобути вазифини бажариши ҳамда уларнинг қадрини билмаган барчаннинг бу тобут тагидан алма-гал ўтиб, гўёки уларни қабрга олиб кетаётган ҳолатнинг ифодаланиши жуда таъсирли бўлиб, спектаклнинг бадий-гоёвий жиҳатини очувчи муҳим нуқтадир.

Спектаклда томошабинларнинг эътиборини тортувчи асосий восита — актёрлар ижроси. Ўзбекистон халқ артисти Сўзта Бегматова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Илҳом Бердиев, Мадина Тўхтаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эгамберди Раҳимов, шунингдек, Сирожиддин Сатторов, Нодир Мухаммадқов, Бекзод Зокриқов, Хусни Тўрамурутובה, Буойша Иброҳимова, Пўлат Норматов, Юнус Аскарқов, Шукржон Сўфиев каби истеъдодли актёрлар томонидан ижро этилган роллар спектаклнинг бадий таъсирчанлиги янада ошишига хизмат қилган. Ҳар бир актёрнинг образга чуқур кириб бориши, саҳнадаги табиий ҳаракатлари ва ҳис-туйғуларини ишонарли ифодалаш эътирофга лойиқ.

Ушбу спектакль премьераси ўзбек театр санъатининг келажагига юксак умидни жонлантирди. Зеро, спектакль забардаст режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг ҳамма савлаги расом Георгий Брим билан тандемдаги кўплаб ишлари, жумладан, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonи асосида (Шухрат Ризаев инсценировкаси) саҳналаштирилган “Искандар” спектаклини театр мухлислари ёдига солди. Ҳар иккала



6

GAZETA DАGI MATERIALLARNI LOTIN IZUVIGA ASOSLANGAN  
**ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА**  
ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.